

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 5/1

Самарканд шаҳри

20 - январ 2022- йил

АЖ «Самарканд дори-дармон» кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бошқарув раиси Шерматов Ф. номидан, бир томондан ва СамМИ 1-клиникаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бош врач Абдуллаева Н.Н номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

№	Международное название	Лекарственная форма выпуска	Ед.И зм.	Кол- во	Цена	Сумма	Н Д С %	НДС	Всего
1	Спирт этиловый	ЭТАНОЛ (Спирт пищевой) люкс 96,60	кг	100	21676	2 167 600	15	325140	2492740
									2 492 740

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.
 1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 31-декабргача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 2 492 740 (Икки миллион тўрт юз туксон икки минг етти юз қирк) сумми ташкил этади.
 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 30 кун ичида амалга оширилади.
 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
 4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 % миқдоридан жарима тўлайди.
 5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ива нови лозим даражада булмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдоридан жарима тўлайди.
 5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ булмаган миқдорда пеня тўлайди.
 5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.
 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
 5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.